

**Санитария-эпидемиологик  
осойишталик ва жамоат саломатлиги  
хизматининг 2022 йил 12 апрелдаги  
29-сон буйруғига 10-илова**

**Коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш  
УСЛУБИЁТИ**

Мазкур услубиёт Санитария-эпидемиология хизмати ва унинг таркибий муассасаларига (кейинги ўринларда - Ташкилот) юқланган вазифа ва мажбуриятларни бажаришда юзага келадиган коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш бўйича қоидаларни белгилаш шунингдек, Ташкилотда коррупциявий хавф-хатарларни баҳолашга ягона ёндашувни шакллантириш тартибини белгилайди.

**Коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш  
1-боб. Умумий қоидалар**

1. Кўйидагилар Ташкилотдаги коррупциявий хавф-хатарларни баҳолашнинг асосий йўналиши ҳисобланади:

Ташкилот фаолиятини комплекс таҳлил қилиш орқали коррупция хавф-хатарга мойил бўлган функция ва лавозимларни белгилаш;

коррупциявий хавф-хатарларни минималлаштириш бўйича самарали чораларни ишлаб чиқиши.

2. Ташкилотдаги коррупциявий хавф-хатарларни баҳолашда кўйидагилар ишлаб чиқилиши мақсадга мувофиқ:

Ташкилотда, коррупцияга қарши курашиш чора-тадбирларни, масъул шахсларни, амалга ошириш механизми ва муддатларини ўз ичига олган Коррупцияга қарши курашиш бўйича дастур;

Коррупциявий хавф-хатарлар харитаси.

3. Ташкилотдаги коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш ҳар йили ёки қўйидаги ҳолатларда амалга оширилади:

коррупциявий хавф-хатарларни бирламчи баҳолаш зарурияти юзага келганда;

Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги талаблари ўзгарганда;

коррупцияга мойил функция ёки тартиб-таомилнинг амалга оширилишига сезиларли равишда таъсир кўрсатувчи Ташкилотнинг ички ҳужжатлари ўзгариши;

Ташкилот тузилмасининг, функцияларини амалга оширишида ўзига хос жиҳатларининг ўзгариши, янги функцияларнинг юкланиши;

Ташкилотда коррупциявий хавф-хатар даражасига таъсир кўрсатиши мумкин бўлган бошқа шарт-шароитларнинг келиб чиқиши.

## **2-боб. Асосий тушунчалар**

4. Ушбу Услубиётда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

**қолдиқ хавф-хатар** – коррупциявий хавф-хатарни минималлаштиришга қаратилган чоралари қабул килинганидан сўнг қолувчи хавф-хатар (амалдаги коррупцияга қарши курашиб сиёsatни ва хавф-хатарларни минималлаштириш бўйича чора-тадбирларни ҳисобга олган ҳолда);

**коррупциявий хавф-хатар** – ходимлар ёки учинчи шахслар томонидан Ташкилот номидан ва (ёки) уларнинг манфаатларини кўзлаб коррупциявий хатти-ҳаракатларни содир этиш хавфи;

**коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш** – Ташкилот томонидан амалга ошириладиган функцияларни таҳлил қилиш, уларнинг коррупциявий хавф-хатарга мойиллик даражасини аниқлаш, шунингдек функциялар доирасида амалга ошириладиган тегишли тартиб-таомиллар учун ва қолдиқ коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш фаолияти;

**коррупциявий хавф-хатарларнинг бирлашган ҳаритаси** – Ташкилотдаги коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш натижалари бўйича тузиладиган ва Ташкилот функциялари ва тартиб-таомилларининг умумий рўйхати, тегишли функцияларни амалга ошириш билан боғлиқ эҳтимолий коррупциявий хавф-хатар (схемалар) таснифи, ўзига хос ва қолдиқ коррупциявий хавф-хатарлар даражаси, уларни минималлаштириш чоралари ва аниқланган коррупциявий хавф-хатарни минималлаштириш чора-тадбирларини амалга ошириш учун масъул бўлган ходимлар лавозимларини ўз ичига оловчи бирлашган ҳужжат;

**коррупциявий ҳаракатлар** – ходим томонидан бевосита ёки билвосита шахсан ёхуд учинчи шахслар орқали пора берувчи манфаатлари йўлида ҳаракат ёки ҳаракатсизлик учун моддий манфаатдор бўлиши, шу жумладан пул, қимматбаҳо қофоз, бошқа кўринишдаги мулк ва мулкий ҳуқуқлар, мулкий ҳарактердаги хизматлар олиш, талаб қилиш, ундириш, таклиф қилиш ёки бериш, пора бериш ва/ёки олиш ёки бунда воситачилик қилишда, расмиятчиликларни соддалаштириш учун тўловлар ундириш (пора олиш) ва бошқа ноқонуний мақсадларда ўз хизмат вазифаларидан ноқонуний фойдаланиши;

**коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик** – коррупция аломатларига эга бўлган, содир этилганлиги учун қонунчиликда жавобгарлик назарда тутилган қилмиш;

**тартиб-таомил** – Ташкилот функцияларини амалга ошириш доирасидаги ходимлар, бўлинмалар томонидан бажариладиган ёки битта натижага

қаратилган, ёхуд маълум бир функциянинг ажралмас элементи ҳисобланган, аломатлар бўйича бир гурухга бирлаштириш мумкин бўлган ҳаракатлар йигиндиси;

**функция** – бир нечта тартиб-таомилни ўз ичига олиши мумкин бўлган Ташкилотнинг фаолият йўналишларидан бири;

**эксперт фикри** – аниқ факт ёки ҳодиса бўйича ходим ёки бўлинманинг субъектив қарashi ёки фикрига асосланган қарори.

**ўзига хос ҳавф-хатар** – Ташкилот фаолияти ва амалга оширилаётган функциялари доирасидан келиб чиқадиган ҳавф-хатар, шу билан бирга уни камайтиришга қаратилган чора-тадбирлар амалга оширилиши ҳисобга олинмаганлиги ҳолда (амалдаги коррупцияга қарши курашиш сиёсати ва тартиб таомиллари, ҳавф-хаталарни минималлаштиришга қаратилган чора-тадбирларни ва ҳисобга олинмаслик);

**худудий бошқарма ва туман/шаҳар бўлинманинг коррупциявий ҳавф-хатарлари ҳаритаси** – ташкилотнинг худудий ёки таркибий бўлинмасидаги коррупциявий ҳавф-хатарларни баҳолаш натижалари бўйича тузиладиган функциялари ва тартиб-таомилларининг умумий рўйхати, тегишли функцияларни амалга ошириш билан боғлиқ эҳтимолий коррупциявий ҳавф-хатар (схемалар) таснифи, ўзига хос ва қолдиқ коррупциявий ҳавф-хатарлар даражаси, уларни минималлаштириш чоралари ҳамда бунга масъул бўлган ходимлар лавозимларини ўз ичига олувчи хужжат.

### **3-боб. Коррупцияга қарши ички назорат тузилманинг вазифалари**

5. Ташкилотдаги коррупциявий ҳавф-хатарларни баҳолаш Коррупцияга қарши ички назорат тузилмаси (кейинги ўринларда – Ички назорат тузилмаси) томонидан ташкилот раҳбари топшириги асосида амалга оширилади. Ташкилот раҳбари топширигига баҳолашни ўтказишнинг аниқ муддатлари кўрсатилади.

6. Коррупциявий ҳавф-хатарларни баҳолашда Ички назорат тузилмаси куйидаги вазифаларни амалга оширади:

коррупцияга қарши курашиш бўйича масъулларни жалб қилган ҳолда ҳавф-хатарларни баҳолаш жараёнини ташкиллаштиради;

коррупциявий ҳавф-хатарларни баҳолаш жараёни устидан умумий назоратни амалга оширади;

коррупцияга қарши курашиш бўйича масъуллар, шунингдек ташкилот марказий аппарати, худудий ва таркибий бўлинмаларига мазкур Услубиётда кўзда тутилган тартибга риоя қилиш бўйича маслаҳатлар беради;

марказий аппарат таркибий бўлинмаларининг коррупциявий хавф-хатарлар харитасини тузади ва коррупцияга қарши курашиш йўналишига масъул раҳбар ўринбосари билан келишади;

марказий аппарат, худудий ва таркибий бўлинмаларнинг коррупциявий хавф-хатарлари харитасини коррупциявий хавф-хатарларнинг бирлашган харитасига умумлаштиради;

Ташкилот раҳбарига хавф-хатарларни баҳолаш натижалари ва коррупциявий хавф-хатарларнинг бирлашган харитасини тақдим этади;

тасдиқланган хавф-хатарлар харитаси асосида худудий ва таркибий бўлинмалар томонидан ишлаб чиқилган коррупцияга қарши курашиш бўйича дастурлар лойиҳаларини қўриб чиқади ва уларни қабул қилиш мақсадга мувофиқлиги тўғрисида хулоса беради;

марказий аппарат бўлинмаларининг коррупцияга қарши курашиш бўйича дастурини ишлаб чиқади ва Ташкилотнинг коррупцияга қарши курашиш йўналишига масъул раҳбар ўринбосари билан келишади;

марказий аппарат, худудий ва таркибий бўлинмаларнинг коррупцияга қарши курашиш бўйича дастури асосида Ташкилотнинг коррупцияга қарши курашиш дастурини ишлаб чиқади;

Ташкилотда коррупциявий хавф-хатарларни минималлаштириш бўйича чора-тадбирларини мувофиқлаштиради ва уларни назорат қиласи;

ушбу Услубиётда кўзда тутилган бошқа вазифаларни амалга оширади.

Ички назорат тузилмаси зарур ҳолларда марказий аппарат таркибий бўлинма раҳбарлари ва коррупцияга қарши курашиш бўйича масъуллардан кўшимча ахборот ва хужжатларни талаб қилиб олиши мумкин.

7. Коррупцияга қарши курашиш бўйича масъуллар қуйидаги вазифаларни амалга оширади:

тегишли ҳудудий ва таркибий бўлинмаларда коррупциявий хавф-хатарлар баҳоланишини ташкил қиласи ва ўтказади;

коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш жараёни устидан назоратни амалга оширади;

коррупциявий хавф-хатарлар харитасини тузади ва ушбу Услубиётда кўзда тутилган тартибда келишилишини таъминлайди;

коррупцияга қарши курашиш бўйича дастурларини ишлаб чиқади ва ушбу Услубиётда кўзда тутилган тартибда келишилишини таъминлайди;

тегишли ҳудудий ва таркибий бўлинмаларда коррупциявий хавф-хатарларни минималлаштириш бўйича чора-тадбирларини амалга оширишни мувофиқлаштиради ва назорат қиласи;

ушбу Услубиётида кўзда тутилган бошқа вазифаларни амалга оширади.

Коррупцияга қарши курашиш бўйича масъуллар зарур ҳолларда тегишли худудий ва таркибий бўлинма ходимларидан қўшимча ахборот ва хужжатларни талаб қилиб олади.

#### **4-боб. Коррупциявий хавф-хатарларни дастлабки баҳолаш**

8. Ташкилотда коррупциявий хавф-хатарларни дастлабки баҳолаш жараёни тегишли буйруқлар ва уларда кўрсатилган муддатлар асосида амалга оширилади.

Коррупциявий хавф-хатарларни дастлабки баҳолашнинг умумий муддати 3 ойдан ошмаслиги лозим.

9. Коррупциявий хавф-хатарларни дастлабки баҳолаш функцияларнинг коррупциявий хавф-хатарга мойиллик даражасини дастлабки баҳолаш ва тегишли функциялар доирасида Ташкилот ходимлари томонидан амалга ошириладиган айrim тартиб-таомилларнинг коррупциявий хавф-хатар даражасини баҳолашни ўз ичига олади.

10. Коррупциявий хавф-хатарларни дастлабки баҳолаш, пастдан (тегишли марказий, худудий ва таркибий бўлинмалардан) тепага (ташкилот даражасигача), мазкур бобнинг 12-21 бандларида кўрсатилган тартиб ва кетмакетликда амалга оширилади.

11. Ички назорат тузилмаси ушбу Услубиётга 1-иловада келтирилган Коррупциявий хавф-хатарлар харитасини ишлаб чиқиш бўйича Ташкилотнинг марказий аппарати, худудий ва таркибий муассасаларига кўрсатма юборади.

Кўрсатмада тасдиқланган Коррупциявий хавф-хатарлар харитасини Ички назорат тузилмасига тақдим этиш муддатлари кўрсатилиб, бу муддат йигирма беш иш кунидан кам бўлмаслиги керак.

12. Ташкилотнинг марказий аппарат таркибий бўлинмаларининг Коррупциявий хавф-хатарлар харитаси тегишли бўлинмалар томонидан ишлаб чиқилиб, Ички назорат тузилмасига марказий аппарат учун ягона Коррупциявий хавф-хатарлар харитасини тузиш мақсадида киритилади. Марказий аппарат таркибий бўлинмаларининг Коррупциявий хавф-хатарлар харитаси Ички назорат тузилмаси томонидан Ташкилотнинг коррупцияга қарши курашиш йуналишига масъул раҳбар ўринбосари билан келишилади.

13. Ташкилотнинг худудий ва таркибий муассасаларининг Коррупциявий хавф-хатарлар харитаси тегишли бўлинманинг Коррупцияга қарши курашиш бўйича масъуллари томонидан ишлаб чиқилади ва тегишли худудий ва таркибий муассаса раҳбарлари билан келишилади. Тегишли раҳбар билан келишилган Коррупциявий хавф-хатарлар харитаси Ички назорат тузилмасига кўриб чиқиш учун киритилади.

14. Ташкилот марказий аппарати ва таркибий муассасалари томонидан ишлаб чиқилган Коррупциявий хавф-хатарлар харитасига оид саволлар юзага келган тақдирда, Ички назорат тузилмаси ходимлари тегишли таркибий бўлинмага изоҳ бериш ёки харитага тузатиш киритиш учун сўров юборади. Бунда, сўровга жавоб сўров олинган кундан бошлаб беш иш кунидан ошмаган муддатда юборилиши лозим.

15. Ички назорат тузилмаси ходимлари ўз экспертлик фикрига таянган ҳолда Коррупциявий хавф-хатарлар харитасига ўзгартришлар киритишлари мумкин.

16. Марказий аппарат ва ҳудудий бошқармаларнинг коррупциявий хавф-хатарлар хариталари асосида Ички назорат тузилмаси Ташкилотнинг коррупциявий хавф-хатарларнинг бирлашган харитасини ишлаб чиқади.

17. Коррупциявий хавф-хатарларнинг бирлашган харитасини тузиш муддати, марказий аппарат ва ҳудудий бошқармаларнинг коррупциявий хавф-хатарлари харитаси тасдиқланган санадан бошлаб, ўн иш кунидан ошмаслиги керак.

18. Коррупциявий хавф-хатарларнинг бирлашган харитаси ташкилот Ички назорат тузилмаси тақдимномасига асосан ташкилот раҳбари томонидан тасдиқланади.

19. Қолдик коррупциявий хавф-хатарнинг юқори даражаси билан ифодаланадиган тартиб-таомиллар учун Ички назорат тузилмаси ва коррупцияга қарши курашиш учун масъуллар ушбу Услубиётнинг 2-иловасига мувофиқ коррупциявий хавф-хатарларга энг кўп мойил бўлган лавозимлар рўйхатини ишлаб чиқади.

20. Ташкилотнинг коррупциявий хавф-хатарларга энг кўп мойил бўлган лавозимлар рўйхати коррупцияга қарши курашиш учун масъуллар тақдимномасига асосан ташкилот раҳбари ва тегишли ҳудудий ва таркибий бўлинмалар раҳбарлари томонидан тасдиқланади.

21. Коррупцияга қарши курашиш бўйича тузилма томонидан тасдиқланган Коррупциявий хавф-хатарларнинг харитасида белгиланган чоратадбирларга асосан ҳудудий ва таркибий бўлинмаларнинг Коррупцияга қарши курашиш бўйича дастури ушбу Услубиётнинг 3-иловасига мувофиқ Коррупциявий хавф-хатарларнинг харитаси тасдиқланган санадан ўн иш куни ичida ишлаб чиқилиб тасдиқланади.

Ҳудудий ва таркибий муассасаларнинг Коррупцияга қарши курашиш бўйича дастури Ички назорат тузилмаси билан келишилгандан сўнг тегишли ҳудудий ва таркибий муассаса раҳбарлари томонидан тасдиқланади.

22. Ташкилотнинг Коррупцияга қарши курашиш дастури марказий аппарат бўлинмаларининг коррупциявий хавф-хатарларни минималлаштириш бўйича чора-тадбирларини инобатга олган ҳолда Ички назорат тузилмаси томонидан ишлаб чиқилади ҳамда Ташкилот раҳбари томонидан тадиқланади.

### **5-боб. Коррупциявий хавф-хатарларнинг қайта (ҳар йиллик) баҳоланиши**

23. Ташкилотда коррупциявий хавф-хатарларнинг кейинги баҳоланиши доимий равишда, бир йилда камида бир марта, қоида тариқасида йил бошида Ташкилот раҳбарининг тегишли буйруғи асосида ўтказилади.

24. Қайта (ҳар йиллик) коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш муддати 2 ойдан ошмаслиги лозим.

25. Йиллик коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш ушбу услубиётнинг 2-бобида кўрсатилган коррупциявий хавф-хатарларни дастлабки баҳолаш тартибида амалга оширилади.

26. Қайт коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш бошланишидан олдин Ички назорат тузилмаси ташкилотнинг марказий аппарати, худудий ва таркибий бўлинмалари раҳбарларига олдинги баҳолаш даврига нисбатан қонунчиликда ёки ички идоравий хужжатларга киритилган ўзгаришларни аниқлаш мақсадида ушбу Услубиёт 4-иловасига мос шаклда сўровнома юборади.

27. Ички назорат тузилмаси марказий аппарат, худудий ва таркибий бўлинмалар раҳбарлари томонидан тўлдирилган Сўровномаларни йиғади, таҳлил қиласиди.

### **6-боб. Ташкилотда амалга ошириладиган функциялар ва тартиб-таомилларнинг коррупциявий хавф-хатар даражасини баҳолаш тартиби**

28. Коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш ташқи ва ички ахборот манбаларидаги маълумотлар таҳлили асосида амалга оширилади, жумладан:

ташкилотнинг функцияларини тартибга солувчи норматив-хуқуқий хужжатлар ва ташкилотнинг ички хужжатлари (таркибий бўлинмалар, ходимларнинг лавозим йўриқномалари тўғрисидаги низомлар ва ҳ.к.);

ички текширувлар материаллари, шу билан бирга хизмат текширув материаллари;

ички аудит ва коррупцияга қарши курашиш бўйича мониторинг натижалари;

одоб-ахлоқ комиссияси йиғилишлари натижалари;

манфаатдор томонлар, давлат хизматчилари, экспертлар ва бошқа манфаатдор шахслар орасида ўтказилган сўров, жумладан ижтимоий тадқиқотлар натижалари бўйича ташкилот ходимлари томонидан содир этилган коррупциявий ҳаракатларга оид мурожаатлар;

Ташкилот фаолиятидаги хукуқбузарликларга оид статистик маълумотлар; коррупциявий ҳаракатлар тўғрисида хабар беришга мўлжалланган алоқа каналларига келиб тушган жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожжаатлари;

Ташкилот ходимлари томонидан содир этилган коррупциявий ҳаракатлар ёки одоб-аҳлоқ қоидаларига риоя қилмаслик тўғрисида ОАВдаги маълумотлар; ижтимоий тармоқларда қолдирилган изоҳлар;

хукуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан тақдим этилган материаллар, жумладан жиноят ишларига доир ахборотлар ва бошқалар.

29. Коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш жараёнида Ташкилотнинг ҳар бир функцияси ва тартиб-таомили бўйича коррупциявий ҳаракатларни содир этилиш имкониятлари мавжудлигини таҳлил қилиш лозим.

30. Санитария-эпидемиология хизматидаги ҳар бир функция куйидаги шкала бўйича баҳоланади:

Коррупциявий хавф-хатарларга энг кўп мойил бўлган функция;

Коррупциявий хавф-хатарларга энг кам мойил бўлган функция.

31. Ўрганилаётган функция доирасида амалга оширилаётган тартиб-таомилларнинг ўзига хос хавф-хатарини баҳолаш куйидаги мезонларга кўра амалга оширилади:

юқори даражадаги хавф-хатар коррупциявий хавф-хатарларга энг кўп мойил бўлган функциялар доирасида амалга ошириладиган тартиб-таомилларга берилади;

ўрта даражадаги хавф-хатар коррупциявий хавф-хатарларга энг кам мойил бўлган функциялар доирасида амалга ошириладиган тартиб-таомилларга берилади;

паст даражадаги хавф-хатар хавф-хатарлар кўзда тутилмаган ва ташкилотнинг Ички назорат тузилмасининг асосли хулосаси асосида истисно тариқасида қўлланилиши мумкин.

32. Қолдиқ коррупциявий хавф-хатар даражасини баҳолаш хавф-хатарли ходисани амалга ошишининг эҳтимоли (мазкур Услубиётнинг 5-иловаси 5.1 жадвалдаги мезонларга қаранг) ва коррупциявий хавф-хатарнинг оқибат даражаси (мазкур Услубиётнинг 5-иловаси 5.2 жадвалидаги мезонларга қаранг)ни ҳисобга олган ҳолда хавф-хатарларнинг аҳамиятлилик шаклидан фойдаланиб амалга оширилади (мазкур Услубиёт 5-иловасидаги 5.1 расм).

## **7-боб. Коррупциявий хавф-хатарларнинг қолдик даражасини минималлаштириш чоралари**

33. Коррупциявий хавф-хатарларни минималлаштириш чора-тадбирларини белгилашда:

ҳар бир чора Ташкилот ходимлари унинг мақсадлари, пировард натижаси ва маълум бир коррупциявий хавф-хатарни минималлаштириш билан алоқасини тушуниши учун аниқ ва равshan ифода этилиши;

ҳар бир чора учун уни амалга ошириш муддати ёки даврийлиги белгиланиши, уни амалга ошириш учун масъул шахслар, амалга оширилишини мониторинг қилиш ва самарадорлигини баҳолаш механизмлари аниқлаб олиниши зарур.

34. Ташкилотнинг коррупциявий хавф-хатарлар харитасига киритилган, аниқланган коррупциявий хавф-хатарларни минималлаштириш чора-тадбирлари Ташкилотнинг Коррупцияга қарши курашиш дастурларига ҳам киритилади (мазкур Услубиётнинг 6-иловаси).

35. Ташкилотдаги коррупциявий хавф-хатарларни минималлаштириш чора-тадбирларини амалга ошириш устидан назорат Ички назорат тузилмаси томонидан амалга оширилади.

## **6-боб. Якуний қоидалар**

36. Зарурат бўлганда, Ташкилотнинг коррупциявий хавф-хатарлар харитаси ва коррупцияга қарши курашиш дастурига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш билан боғлиқ масалалар бўйича Ички назорат тузилмаси томонидан Ташкилот раҳбарига таклифлар киритилади.